

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ 1- ТУР ЎСМИР ЁШ ҚИЗЛАРДА РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМ БУЗИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Эралиева М.Р.

1- курс Эндокринология йўналиши магистри

Каримова М.М.

Т.ф.н. Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14969966>


Аннотация. Қандли диабетнинг кам ўрганилган ва долзарб йўналишларидан бири ўсмир ёш қизлар репродуктив фаолияти билан боғлиқ бўлиб, қатор саволлар ханузгача ўз ечимини топмаган. Хозирги вақтда қандли диабет глобал муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Бу ҳолат кенг тарқалган бўлиб, қатор мамлакатларда ўсмир ёш қизларда репродуктив тизим патологияларини чақириб келмоқда. Ўсмирлик репродуктив тизимнинг ривожланиши учун жуда муҳим даврдир ва бу касаллик гормонал мувозанат, овуляция, ва ҳайз циклини бошқарувчи жараёнларга таъсир қилувчи инсулин етишмовчилиги ва глюкоза ўзгарувчанлиги билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Илмий иш мақсади: Фарғона вилоятида яшовчи қандли диабет 1- тур ўсмир ёш қизларда репродуктив тизим бузилиш хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқот материали ва текшириш усуллари. Тадқиқот объекти сифатида Фарғона вилояти 10-сон оилавий шифохонасида М назоратида турган 50 нафар 1- тур қандли диабет билан оғриган ўсмир ёш қизлар олинди. Бу қизларда нахорги қонда қанд миқдори, овқатдан 2 соат кейинги қанд миқдори, гликирланган гемоглобин, пешобдаги қанд миқдори, чаноқ бўшлиғи аъзолари ултраторовуш текшируви, умумий қон ва пешоб тахлили, гормонал текширув с-пептид, пролактин, эстроген, ЛГ, ФСГ натижалари тахлил қилинди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Текширув жараёнида ўсмир қизларнинг репродуктив тизим фаолияти кўриб чиқилганда 5 нафар (10%) қизларда олигоменорея, 12 нафар (24%) ўсмирларда аменорея, 3 нафар (6%) қизларда дисменорея, 20 та беморларда (40%) эрта ёки кечиккан пубертат ва 10 та қизларда (20%) поликистик тухумдон синдроми аниқланди.

Қизларда аномал ҳайз цикллари ва пубертат муаммолари



Хулоса. Фар'она вилоятида истикомат килувчи қандли диабет 1- тур ўсмир ёш қизларда репродуктив тизим бузилишлари кўпайгани аниқланди ва бу гинеколог ҳамда эндокринолог мутахассислари томонидан ўрганилди. Беморларда хайз циклини бузилишлари, овулятор дисфункциялар ва поликистик тухумдон синдроми ултраровуш текшируви ва анамнезлар орқали аниқланди. Бу натижалар яъни қандли диабет касаллиги бор ўсмир ёш қизларнинг репродуктив тизимига салбий таъсир қилишини кўрсатди. Тадқиқот натижалари қандли диабет 1- тур билан курашаётган ўсмир қизларда учрайдиган репродуктив тизим касалликларини самарали ташхислаш ва, даволаш сифатини оширишга ҳамда комплекс дастурлар ишлаб чиқишга ҳисса қўшади.

Foydalanilgan adabiyotlar/Используемая литература/References:

1. Williams Textbook of Endocrinology.
2. Endocrinology - Mac.E Hadley.
3. Болезни органов эндокринной системы- Дедов 2000
4. Эндокринология - Шагазатова.